

СУДГАЧА ИШНИ ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Қодиров Муродилло Икромалиевич,
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура факултети тергов фаолияти йўналиши тингловчиси

Аннотация

Мақолада судгача ишни юритиш босқичида гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган электрон платформалар — «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» (ЭЖҲС) ҳамда «Юридик ёрдам» ахборот тизимлари — амалиёти тизимли таҳлил этилган. Муаллиф томонидан тизимларнинг функционал имкониятлари, ЖПКнинг 51-моддаси 1-қисмида белгиланган мажбурий ҳимоя ҳолатлари билан интеграцияси, «Ижтимоий ҳимоя» реестри билан ўзаро алоқаси ёритилган. Реал амалий материаллар асосида олти тизимли муаммо аниқланган: адвокатни тасодифий танлашнинг қайта автомат механизми йўқлиги; «Ижтимоий ҳимоя» реестри интеграциясининг мантиқий қарши-зидлик ҳолатлари; ҳимоячи-мижоз махфий электрон алоқа каналининг йўқлиги ҳамда бошқалар. Мавжуд муаммоларнинг бартараф этиш мақсадида хорижий тажриба (Германия беА, Қозоғистон ЖПК 67-боби, Эстония e-File) асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига махсус модда киритиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: судгача ишни юритиш, гумон қилинувчи, ҳимоя ҳуқуқи, электрон платформа, «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика», «Юридик ёрдам» ахборот тизими, рақамли адлия, ҳимоячи тайинлаш, видеоконференцалоқа, электрон ҳимоячи кабинети.

ПРАКТИКА ПРИМЕНЕНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ ПЛАТФОРМ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ ПОДОЗРЕВАЕМЫХ И ОБВИНЯЕМЫХ НА СТАДИИ ДОСУДЕБНОГО ПРОИЗВОДСТВА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Кодиров Муродилло Икромалиевич,
слушатель магистратуры Академии правоохранительных органов
Республики Узбекистан, направление: следственная деятельность

Аннотация

В статье проведен системный анализ практики применения электронных платформ — информационных систем «Электронная криминально-правовая статистика» (ЭКПС) и «Юридическая помощь» — в обеспечении права на защиту подозреваемых и обвиняемых на досудебной стадии уголовного процесса в Республике Узбекистан. Автором раскрыты функциональные возможности систем, их интеграция с обязательными случаями защиты, предусмотренными частью 1 статьи 51 УПК, а также взаимодействие с реестром «Социальная защита». На основе реальных эмпирических материалов выявлены шесть системных проблем: отсутствие механизма автоматического повторного случайного выбора адвоката; логические противоречия в интеграции с реестром «Социальная защита»; отсутствие конфиденциального

электронного канала связи между защитником и клиентом и другие. Для устранения выявленных проблем на основе зарубежного опыта (Германия beA, УПК Казахстана, Эстония e-File) разработаны конкретные предложения по внесению специальной главы в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан.

Ключевые слова: досудебное производство, подозреваемый, право на защиту, электронная платформа, «Электронная криминально-правовая статистика», информационная система «Юридическая помощь», цифровое правосудие, назначение защитника, видеоконференцсвязь, электронный кабинет защитника.

THE PRACTICE OF USING ELECTRONIC PLATFORMS IN ENSURING THE LEGAL PROTECTION OF SUSPECTS AND ACCUSED PERSONS AT THE STAGE OF PRE-TRIAL PROCEEDINGS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Kadirov Murodillo Ikromalievich,

Master's Student of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, Specialization: Investigative Activity

Abstract.

The article provides a systematic analysis of the practice of applying electronic platforms — the information systems «Electronic Criminal-Legal Statistics» (ECLS) and «Legal Aid» — in ensuring the right to defense of suspects and accused persons at the pre-trial stage of criminal proceedings in the Republic of Uzbekistan. The author reveals the functional capabilities of the systems, their integration with the mandatory defense cases established by Part 1 of Article 51 of the Criminal Procedure Code, and their interaction with the «Social Protection» register. Based on real empirical materials, six systemic problems have been identified: the absence of an automatic re-random lawyer selection mechanism; logical contradictions in the integration with the «Social Protection» register; the absence of a confidential electronic communication channel between defender and client, among others. To address the identified problems, based on foreign experience (German beA, Kazakh CPC, Estonian e-File), specific proposals are developed for introducing a special chapter into the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: pre-trial proceedings, suspect, right to defense, electronic platform, Electronic Criminal-Legal Statistics, Legal Aid information system, digital justice, lawyer appointment, videoconferencing, electronic defender's cabinet.

Кириш

Замонавий ҳуқуқ-процессуал тизимнинг рақамли трансформацияси шароитида судгача ишни юритиш босқичида гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш — ҳам миллий қонунчилик, ҳам халқаро стандартлар нуқтаи назаридан долзарб илмий-амалий муаммога айланган. Ўзбекистон Республикасининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси¹ доирасида адлия соҳасини рақамлаштириш жадал амалга ошмоқда. Конституциянинг 27-, 30-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // lex.uz.

ва 31-моддаларида² мустаҳкамланган шахснинг махфий алоқа, қонун ҳимояси ва ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқлари — ушбу рақамли муҳитда ҳам реал ва самарали таъминланиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 46–51-моддалари³ гумон қилинувчи ва айбланувчининг процессуал ҳуқуқларини белгилайди. Бироқ ушбу ҳуқуқларни электрон платформалар орқали реализация қилиш — ҳозирги ХПК таҳририда тизимли норматив асосга эга эмас. Бу эса электрон платформаларни жорий этиш жараёнида қатор амалий ва ҳуқуқий муаммоларнинг юзага келишини келтириб чиқаради.

Ушбу мақоланинг мақсади — судгача ишни юритиш босқичида Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган асосий электрон платформалар — «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» (ЭЖҲС) ва «Юридик ёрдам» ахборот тизимларининг амалиёти доирасида гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда мавжуд муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдир.

Тадқиқот объекти сифатида — электрон платформалар орқали ҳимоячи тайинлашда юзага келадиган жиноят-процессуал муносабатлар хизмат қилади. Тадқиқот предмети — амалдаги миллий қонунчилик, ЭЖҲС ва «Юридик ёрдам» ахборот тизимлари, уларнинг функционал имкониятлари ҳамда хорижий электрон адлия платформалари тажрибаси. Ишда тизимли-ҳуқуқий, қиёсий-ҳуқуқий, функционал-таркибий ва эмпирик таҳлил методлари қўлланилди.

Асосий қисм

1. Халқаро-ҳуқуқий асослар. Судгача ишни юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқининг халқаро стандартлари Европа инсон ҳуқуқлари суди (ЕИҲС) прецедент амалиётида ишлаб чиқилган. *Salduz v. Turkey* иши бўйича 2008 йил 27 ноябрдаги Катта Палата қарорида⁴ шахс полиция томонидан биринчи сўроқ қилинишидан олдин ҳимоячи билан учрашиш имкониятига эга бўлиши — адолатли судга бўлган ҳуқуқнинг узвий қисми эканлиги белгиланган. *Dayanan v. Turkey* ишида⁵ эса ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқининг амалий, реал ва самарали таъминланиши лозимлиги мустаҳкамланган. Ушбу стандартлар — электрон платформалар орқали ҳимоячи тайинлаш ва унинг биринчи сўроққача иштироки тартибига қонуний талаблар қўйишга асос бўлади.

2. ЭЖҲС тизимининг тузилмаси ва функционал имкониятлари. «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» (ЭЖҲС) — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таркибидаги Ҳуқуқий статистика ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Бош бошқармаси томонидан бошқариладиган веб-асосли ахборот тизимидир. Тизим ejhs.hsiiv.uz манзилида фаолият кўрсатади⁶ ва тергов бўлинмалари ходимлари томонидан жиноят ишларини электрон статистик карточкалар шаклида юритиш учун ишлатилади.

Тизим модуллари таркибига назорат ойнаси, электрон журнал, қидирув ойнаси, жиноий ишлар модули ва таҳлилий ҳисоботлар киради. Гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқий

²Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрелдаги референдумда қабул қилинган таҳрирда. 27-, 30-, 31-моддалар // lex.uz.

³Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Амалдаги таҳрирда. 46–51-моддалар. – Т.: Адолат, 2024.

⁴European Court of Human Rights, Grand Chamber judgment of 27 November 2008, *Salduz v. Turkey*, application no. 36391/02, §§ 50–55.

⁵European Court of Human Rights, judgment of 13 October 2009, *Dayanan v. Turkey*, application no. 7377/03, §§ 30–34.

⁶«Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» (ЭЖҲС) ахборот тизими. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Бош бошқармаси. ejhs.hsiiv.uz.

ҳимоясини таъминлаш контекстида энг аҳамиятли модул — «Адвокатлик сўрови» бўлиб, у жиноят иши карточкаси ичидан очилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Юридик ёрдам» ахборот тизими⁷ билан интеграциялашган ҳолда давлат ҳисобидан ҳимоячи тайинлашга хизмат қилади.

3. «Адвокатлик сўрови» модулининг ишлаш тартиби. Терговчи модулни қўллаганида олти қадамли процессуал кетма-кетлик бажарилади: (1) жиноят иши карточкасида «+ Адвокатлик сўрови» буйруғи танланади; (2) гумон қилинувчининг идентификация маълумотлари (фуқаролик, ҳужжат тури, серия-рақам, туғилган санаси, ПИНФЛ, Ф.И.Ш.) киритилади; (3) юридик ёрдам учун уч муқобил асосдан бири танланади — «Кам таъминланган шахс сифатида», «ЖПКнинг 51-моддаси 1-қисмига асосан» ёки «ЖПКнинг 51-моддаси 2-қисмига асосан»; (4) юридик ёрдам тили (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, араб) ва иш тури танланади; (5) телефон рақамлари ва қўшимча маълумотлар киритилади; (6) «Сақлаш» буйруғи орқали сўров «Юридик ёрдам» тизимига юборилади.

Сўров юборилгач, тизим олти статусдан бирини кўрсатади: «Юборилмаганлар», «Юборилганлар», «Тасдиқлаш кутилаётганлар», «Бириктирилган», «Муддати ўтганлар» ва «Хатолик берганлар». Мазкур статуслар мажмуи тизимнинг шаффофлигини ошириши керак, лекин амалиётда айрим салбий ҳолатларни яшириш хавфини ҳам сақлайди.

ЭЖҲС тизимининг «Адвокатлик сўрови» модули ЖПКнинг 51-моддаси 1-қисмида белгиланган барча 11 тоифа ишни⁸ қамраб олган — вояга етмаганлар иши, тилни билмайдиган шахслар иши, жисмоний/руҳий нуқсонлилар иши, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, давлат айбловчиси иштирокидаги ишлар, жабрланувчи вакили сифатида адвокат иштирокидаги ишлар, судлов тилини билмайдиган шахслар, дастлабки эшитув ўтказилаётган ишлар, ўта оғир жиноятлар, қамоққа олиш ёки уй қамоғи эҳтиёт чоралари кўриб чиқиладиган ҳолатлар. Бу — миллий амалиётнинг ижобий тенденцияси.

4. «Ижтимоий ҳимоя» реестри билан интеграция муаммоси. «Кам таъминланган шахс сифатида» юридик ёрдам танланганда, тизим автоматик равишда «Ижтимоий ҳимоя» реестри⁹ билан ПИНФЛ рақами асосида интеграцион сўровни амалга оширади. Бироқ амалиётда кузатилган конкрет мисол — 2010 йилда туғилган вояга етмаган гумон қилинувчи мисолида — тизим «Гумонланувчи «Ижтимоий ҳимоя» реестридан топилмади. Бошқа юридик ёрдам турини танланг!» деган хатолик хабарини кўрсатади¹⁰ ва сўровни давом эттиришни блоклайди.

Мазкур ҳолат учта муҳим муаммони очиб беради. Биринчидан, «Ижтимоий ҳимоя» реестри маълумотларининг тўлиқ эмаслиги ёки янгилаш суръатининг ортда қолиши. Иккинчидан, тизимнинг мантиқий қарши-зидлик ҳолати: вояга етмаган шахс ЖПКнинг 51-моддаси 1-қисмининг 1-бандига асосан *ex lege* мажбурий ҳимоячига ҳақ-хуқуқли, унинг «Ижтимоий

⁷Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Юридик ёрдам» ахборот тизими — давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларни тасодифий электрон тартибда танлашга мўлжалланган.

⁸Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддаси 1-қисми — ҳимоячининг мажбурий иштироки талаб қилинадиган 11 тоифа иш рўйхатини белгилайди.

⁹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри тўғрисида»ги Низом // lex.uz.

¹⁰Амалиётда кузатилган ҳолат: вояга етмаган гумон қилинувчи (16 ёш) мисолида ЭЖҲС тизими «Кам таъминланган шахс сифатида» сўров юборилишини «Ижтимоий ҳимоя» реестридан салбий жавоб сабабли блоклайди. Муаллифнинг амалий материаллари (2025 й. скриншот-тўплами).

ҳимоя» реестрида мавжудлигидан мутлақ қатъи назар. Учинчидан, шахсий маълумотлар ҳимояси нуқтаи назаридан — гумон қилинувчининг ижтимоий-иқтисодий маълумотлари шарт бўлмаган мақсадда ташқи интеграцион сўровга жалб этилиши сезгир масаладир.

5. Адвокатни тасодифий танлашда қайта автомат танлаш функционалининг йўқлиги.

Сўров юборилгач, «Юридик ёрдам» тизими тасодифий электрон алгоритм асосида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатни танлайди. Танланган адвокат сўровни қабул қилиш ёки рад этиш имконига эга. Лекин ҳудудий адлия бошқармалари ва амалиётчи ходимларнинг тизимлаштирилган таклифларига кўра¹¹, кўплаб ҳолатларда тасодифий танланган адвокат сўров юборилган вақтда компьютер ёнида бўлмайди — суд мажлисида, бошқа мижоз билан учрашувда, дала ишида бўлади. Натижада сўровни вақтида қабул ҳам, рад ҳам қила олмайди.

Бу муаммонинг моҳияти — тизимда сўров маълум бир конкрет адвокатга юборилганидан сўнг, «қайта тасодифий электрон танлаш» функционал имкониятининг йўқлигидир. Сўров «Тасдиқлаш кутилаётганлар» статусида муаллақ қолади, муддат ўтиб «Муддати ўтганлар» категориясига ўтади ва терговчи жараёни қайта ручной тарзда бошлаши шарт бўлади. Бу — Salduz ва Dayanan стандартлари тақозо этган «реал ва самарали» ҳимоя ҳуқуқи талабига амалий жиҳатдан зид ҳолатни яратади.

6. Ҳимоячи-мижоз махфий электрон алоқа канали йўқлиги. ЭЖҲС ва «Юридик ёрдам»

тизимларида адвокат тайинлангандан сўнг — адвокат ва мижоз ўртасидаги махфий электрон алоқа, маслаҳатлашиш, ҳужжат алмашилиш учун махсус канал йўқ. Конституциянинг 27-моддаси ва Адвокатура тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган адвокат сири институти¹² — S. v. Switzerland иши бўйича ЕИҲС қарорида¹³ белгиланган халқаро стандарт — электрон муҳитда махсус техник ҳимояга муҳтож.

7. Хорижий тажриба. Муаммоларнинг ҳал қилиш йўллари — илғор хорижий давлатлар

тажрибасида излаб топиш мумкин. Германия Федератив Республикасида *besonderes elektronisches Anwaltspostfach (beA)* — адвокатлар учун махсус электрон қути тизими¹⁴ 2016 йил 1 январдан бошлаб мажбурий электрон алоқа канали сифатида амал қилади. beA end-to-end шифрлаш орқали ҳимоячи-мижоз алоқасини, адвокат сирини техник жиҳатдан таъминлайди, судлар ва прокуратура билан расмий электрон ёзишмалар учун қонуний каналга айланади. Германия StPOнинг 140–141-моддалари¹⁵ мажбурий ҳимоя тартибини — Ўзбекистон ЖПК 51-моддаси сингари — батафсил кодификациялаштирган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 67-боби¹⁶ мажбурий ҳимоя ҳолатларида тасодифий автомат танлашдан кейин жавоб бермаган адвокатни алмаштириш

¹¹Ҳудудий адлия бошқармаларининг «Юридик ёрдам» ахборот тизимида адвокат қақириш жараёнида аниқланган муаммолар бўйича таклифлар пакетлари (2025 й.). Асосий таклиф — «қайта тасодифий электрон тарзда танлаш» функционалини киритиш.

¹²«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 27 декабрь, 349-И-сон (кейинги таҳрирларда). 7-модда (адвокат сири) // lex.uz.

¹³European Court of Human Rights, judgment of 28 November 1991, S. v. Switzerland, applications nos. 12629/87 and 13965/88, § 48.

¹⁴Bundesrechtsanwaltsordnung (BRAO), § 31a — *besonderes elektronisches Anwaltspostfach (beA)*. 2016 йил 1 январдан бошлаб Германияда мажбурий электрон алоқа воситаси.

¹⁵Strafprozessordnung (StPO), §§ 140–141 (notwendige Verteidigung). Bundesministerium der Justiz // www.gesetze-im-internet.de/stpo.

¹⁶Қазақстан Республикасының Қылмыстық-процестік кодексі. 4 шілде 2014 жылғы № 231-V Заңы. 67-бап // sud.gov.kz.

механизмини бевосита белгилайди — бу айнан Ўзбекистон «Юридик ёрдам» тизимидаги «қайта тасодифий танлаш» муаммоси учун тайёр норматив ечимдир.

Эстония Республикасининг e-File (E-toimik) тизими¹⁷ — 2005 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ягона интеграциялашган электрон адлия платформасидир. Тизимнинг энг муҳим хусусияти — тасодифий электрон тартибда адвокат тайинлаш вақтидаги тўрт соатлик қоида: танланган адвокат белгиланган муддатда жавоб бермаса, тизим автоматик равишда навбатдаги адвокатни танлайди. Айнан шу механизм Ўзбекистон учун муҳим шаблон бўла олади.

8. Таклифлар. Аниқланган муаммолар асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига «Электрон платформалар орқали процессуал ҳаракатларни амалга ошириш» номли махсус бобни киритиш таклиф этилади. Боб қуйидаги муҳим моддаларни ўз ичига олиши зарур: Биринчидан, «электрон платформа» тушунчасининг жиноят-процессуал таърифи, электрон ҳужжатлар ва электрон рақамли имзонинг процессуал қўлланилиш тартиби белгиланиши; иккинчидан, видеоконференцалоқа орқали тергов ҳаракатларини амалга ошириш тартибининг аниқ кодификацияси (Германия StPO 168a, 168c, 168d моддалари моделида); учинчидан, ҳимоячи билан махфий электрон алоқа ҳуқуқи ва уни техник жиҳатдан таъминлаш мажбуриятлари; тўртинчидан, тасодифий танланган адвокат тизим томонидан белгиланган муддатда жавоб бермаса — автоматик қайта танлаш механизмининг қонуний мажбурийлиги; бешинчидан, «Ижтимоий ҳимоя» реестри ва бошқа ташқи реестрлар билан интеграция тартибининг ЖПК 51-моддаси 1-қисмида белгиланган мажбурий ҳолатлар ex lege устунлигини таъминлаш; олтинчидан, «рақамли заифлик» ҳолатидаги шахслар учун махсус процессуал кафолатлар тизимини жорий этиш.

Ташкилий-институциявий даражада — Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳимоячи кабинетини» платформасини алоҳида тизим сифатида яратиш тавсия этилади. Платформа Германия beA ва Франция e-Barreau моделларига асосланиб, миллий ҳуқуқий анъана ва амалиёт эҳтиёжларига мослаштирилиши, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ёки алоҳида автоном институт томонидан бошқарилиши мақсадга мувофиқдир. Кабинетнинг асосий функционал блоклари — идентификация ва аутентификация; махфий мулоқот модули (end-to-end шифрлаш); процессуал ёзишмалар модули; иш материаллари билан ишлаш модули; иш вақти ва статистика модули; масофавий махфий видеоконференцалоқа модулидан иборат бўлиши зарур.

Мазкур таклифлар амалга оширилиши натижасида Salduz, Dayanan ва бошқа ЕИҲС прецедентлари, СЕРЕЈ Йўриқномаси¹⁸ ҳамда UNODC тавсияларида¹⁹ белгиланган халқаро стандартлар миллий амалиётда амалда татбиқ этилади, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг электрон муҳитдаги ҳимоя ҳуқуқи сифат жиҳатидан янги даражада таъминланади²⁰.

¹⁷E-toimik (e-File) — Эстония Республикасининг электрон адлия тизими. 2005 йилдан буён. www.e-toimik.ee.

¹⁸СЕРЕЈ. Guidelines on videoconferencing in judicial proceedings. 16–17 June 2021. – Strasbourg: Council of Europe, 2021.

¹⁹UNODC. Handbook on the Use of Information and Communications Technology in the Criminal Justice System. – Vienna: UN, 2019.

²⁰Абдуғаффоров С.А., Хуррамов Ж.Б. Жиноят процессида рақамли технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари // Евразия жиноят-ҳуқуқ журнали. – 2023. – № 4. – 45–52-б.

Хулоса

Тадқиқот натижасида қуйидаги асосий хулосалар илгари сурилади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида судгача ишни юритиш босқичида давлат ҳисобидан ҳимоячи тайинлаш жараёни ЭЖҲС ва «Юридик ёрдам» ахборот тизимлари орқали автоматлаштирилган — бу замонавий рақамли амалиёт сифатида ижобий баҳоланиши лозим. Тизимлар ЖПКнинг 51-моддаси 1-қисмидаги барча 11 тоифа мажбурий ҳимоя ҳолатларини қамраб олганлиги — миллий қонунчилик амалиётининг рақамли муҳитдаги реал реализациясининг муваффақиятли намунаси.

Иккинчидан, лекин амалиётда шу жумладан олти тизимли муаммо аниқланди: (а) тасодифий танланган адвокатнинг сўровни вақтида қабул қила олмаслиги ва қайта автомат танлаш механизмининг йўқлиги; (б) «Ижтимоий ҳимоя» реестри интеграциясининг мантиқий-функционал муаммолари, айниқса вояга етмаганлар бўйича мантиқий қарши-зидлик ҳолати; (в) ҳимоячи-мижоз махфий электрон алоқа канали йўқлиги; (г) электрон ҳужжатлар тизимлигининг етарли эмаслиги; (д) миллий тиллар қамровининг чекланганлиги; (е) ўқув-услубий базанинг етарли эмаслиги.

Учинчидан, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига «Электрон платформалар орқали процессуал ҳаракатларни амалга ошириш» номли махсус боб киритилиши ҳамда «Электрон ҳимоячи кабинети» платформасини алоҳида институт сифатида яратилиши — миллий ҳуқуқий тизимнинг рақамли эрасида гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини реал ва самарали таъминлашнинг стратегик йўналишидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрелдаги референдумда қабул қилинган таҳрирда // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Амалдаги таҳрирда. – Тошкент: Адолат, 2024. – 320 б.
3. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 27 декабрь, 349-I-сон (кейинги таҳрирларда) // lex.uz.
4. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 йил 11 декабрь, 560-II-сон // lex.uz.
5. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 йил 11 декабрь, 562-II-сон // lex.uz.
6. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2004 йил 29 апрель, 611-II-сон // lex.uz.
7. «Шахсий маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2019 йил 2 июль, ЎРҚ-547-сон // lex.uz.
8. «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2022 йил 15 апрель, ЎРҚ-764-сон // lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // lex.uz.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони // lex.uz.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри тўғрисида»ги Низом // lex.uz.
12. Қаҳҳоров Р.Қ. Жиноят процесси: дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2022. – 540 б.
13. Пўлатов Б.Х. Жиноят процессида инсон ҳуқуқларини таъминлаш. – Тошкент: Адолат, 2019. – 296 б.
14. Исмоилов И.Б. Жиноят процессуал қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – 240 б.
15. Абдуғафоров С.А., Хуррамов Ж.Б. Жиноят процессида рақамли технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари // Евразия жиноят-ҳуқуқ журнали. – 2023. – № 4. – 45–52-б.
16. Susskind R. Online Courts and the Future of Justice. – Oxford: Oxford University Press, 2019. – 348 p.
17. Reiling D. Technology for Justice: How Information Technology Can Support Judicial Reform. – Leiden: Leiden University Press, 2009. – 320 p.
18. Strafprozessordnung (StPO), §§ 140–141, 168a, 168c, 168d. Bundesministerium der Justiz // www.gesetze-im-internet.de/stpo.
19. Bundesrechtsanwaltsordnung (BRAO), § 31a — besonderes elektronisches Anwaltspostfach (beA).
20. Code de procédure pénale (France), articles 63-3-1, 63-4, 706-71. Légifrance // www.legifrance.gouv.fr.
21. Police and Criminal Evidence Act 1984 (PACE), UK, sections 58, 60A; Codes of Practice C and E // www.gov.uk.
22. Қазақстан Республикасының Қылмыстық-процестік кодексі. 4 шілде 2014 жылғы № 231-V Заңы // sud.gov.kz.
23. Kriminaalmenetluse seadustik (Code of Criminal Procedure of the Republic of Estonia). RT I 2003, 27, 166. Riigi Teataja // www.riigiteataja.ee.
24. European Court of Human Rights, Grand Chamber judgment of 27 November 2008, Salduz v. Turkey, application no. 36391/02.
25. European Court of Human Rights, judgment of 13 October 2009, Dayanan v. Turkey, application no. 7377/03.
26. European Court of Human Rights, judgment of 28 November 1991, S. v. Switzerland, applications nos. 12629/87 and 13965/88.
27. European Court of Human Rights, Grand Chamber judgment of 2 November 2010, Sakhnovskiy v. Russia, application no. 21272/03.
28. Directive 2013/48/EU of the European Parliament and of the Council of 22 October 2013 on the right of access to a lawyer in criminal proceedings // Official Journal of the EU, L 294, 6.11.2013, pp. 1–12.
29. CEPEJ. Guidelines on videoconferencing in judicial proceedings. Adopted at the 36th plenary meeting, 16–17 June 2021. – Strasbourg: Council of Europe, 2021.
30. UNODC. Handbook on the Use of Information and Communications Technology in the Criminal Justice System. – Vienna: United Nations, 2019. – 98 p.

31. «Электрон жиноий-хуқуқий статистика» ахборот тизими. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги // ejhs.hsiiv.uz.
32. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. «Юридик ёрдам» ахборот тизими.